



## ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

**Хамидов Ортик Абдуллаевич**

Қашқадарё ВИИБ ТҚХ ТҚҚБ БОШ МУТАХАССИСИ

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8227731>

### ARTICLE INFO

Received: 03<sup>th</sup> August 2023

Accepted: 08<sup>th</sup> August 2023

Online: 09<sup>th</sup> August 2023

### KEY WORDS

Оила, маиший, тазйиқ, зўравонлик, оилавий зўравонлик, гендер тенглик, қонунчилик, ҳимоя ордери.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашиш борасидаги қонунчилик тизими муҳокама қилиниб, миллий қонунчилигимиз ва халқаро ҳуқуқ нормаларида аёлларнинг эркаклар билан ҳуқуқий жихатдан тенглиги тадқиқ этилган.*

Оилавий (маиший) зўравонлик – бу гендер зўравонликнинг одатда турмуш ўртоқлар, жуфтликлар ёки оила аъзолари ўртасидаги яқин муносабатлар доирасида содир бўладиган шакли. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва маиший босим кўринишларида намоён бўлиши ва оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўлланилиши мумкин. Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунтазам руҳий қийноққа солиш каби ҳолатлар ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади. Қонун эса, фуқароларни зўравонликнинг ҳар қандай туридан ҳимоялайди.

1993 йил июнь ойида Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича II Бутунжаҳон конференцияда «Оиладаги зўравонликлар» мавзуси муҳокама қилинди. Мазкур муаммонинг долзарблиги жаҳондаги кўплаб мамлакатларда уйдаги зўравонликлар кенг тарқалганлиги билан изоҳланади.

Аёллар муаммоси бўйича 1995 йил сентябрда Пекинда бўлиб ўтган БМТ IV анжуманида уйдаги зўравонликни кўпгина мамлакатлар учун хос бўлган «юқумли касалликдир» деб эълон қилинди. [1]

Бугунги кунда оилавий (маиший) зўравонлик ўз кўламига кўра глобал муаммо бўлиб, турмуш фаровонлиги даражасидан қатъи назар дунёнинг барча мамлакатларида ушбу ижтимоий ҳолат кузатилмоқда.

Хусусан, бутун дунёда оиладаги зўравонлик қурбонларининг кўпчилигини афсуски аёллар ташкил қилиб, аёллар зўравонликнинг янада оғир шакларини бошдан кечиришади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, ҳар 3 аёлдан 1 нафари ҳаётининг бир босқичида оиладаги зўравонликка дучор бўлган. [2] Баъзи мамлакатларда оиладаги зўравонлик асосли ёки қонуний деб қаралиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатдаги гендер тенглик даражаси ва оиладаги зўравонлик даражаси ўртасида тўғридан-тўғри ва сезиларли боғлиқлик



мавжуд бўлиб, шундан кўринадики гендер тенглик даражаси камроқ мамлакатларда оиладаги зўравонлик кўпроқ содир бўлади. [3]

Оилавий зўравонликнинг энг оғир оқибатларидан яна бири фарзандлар руҳий ҳолати ва ахлоқига етказиладиган жиддий зарардир. Кўпинча, болаларнинг ўзи ҳам оилавий зўравонлик қурбони бўлади. Кичик ёшдаги болаларда оилавий-маиший зўравонлик оқибатлари турли касалликлар шаклида намоён бўлса, ўсмир ёшдагилар орасида суицидга етаклаши ҳам мумкин.

Республикамизда оилавий (маиший) зўравонлик ва тазйиқни олдини олиш ҳамда ушбу ҳолатларга қарши курашишда ўзига хос миллий тизим ва норматив-ҳуқуқий асослар яратилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилмоқда.

Жумладан, аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглиги мамлакатимиз Конституцияси 19-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» [4] -деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилган. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 5-моддасида: *“Оила тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир”* [5]-деб белгиланган.

Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилигида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь кундаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ва «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари оилавий зўравонликка қарши кураш ва уни олдини олиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

2019 йил 3 сентябрдан кучга кирган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ хотин-қизларни тайзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Ҳукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан тайзиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилган бўлиб, тайзиқ ва зўравонликнинг ҳолатлари содир этилганда қуйидаги яқка тартибдаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- профилактика суҳбатини ўтказиш;
- ҳимоя ордерини бериш;



- тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш;
- махсус марказларга жойлаштириш;
- зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш. [6]

Мазкур соҳадаги статистик таҳлилларга кўра, 2022 йилда республикада 49 минг 774 нафар хотин-қиз тазйиқ ва зўравонликка учраган, ушбу ҳолатларнинг 81,8 фоизи уларнинг оилаларида содир этилган. [7] Қолаверса, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар жазо чоралар белгиланмаган эди, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмас, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермаётган эди.

2023 йил 11 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни асосида «Оилавий (маиший) зўравонлик» учун ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноий жавобгарликни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 59<sup>2</sup>-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 126<sup>1</sup>-моддаси киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси саккиз қисм бўлиб, 1-қисмида: «Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»-деб, шунингдек, ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- г) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» [8] -деб белгиланган.

Шунга қарамасдан, мазкур йўналишда охириги вақтларда интернет ижтимоий[10] тармоқлар орқали аҳолининг салбий муҳокамаларига сабаб бўлаётган



жамиятимиздаги оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатларини сони ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Хусусан, Facebook, Telegram ижтимоий тармоқлари ва YouTube видеохостингида мавжуд аудиторияси катта бўлган гуруҳ, канал ва сайтларда ҳамда Ўзбекистонда зўравонликка қарши мустақил ахборот лойиҳаси ҳисобланган NeMolchi.uz (Sukut Saqlama) саҳифасида оилавий (маиший) зўравонлик оқибатида ўз жонига қасд қилган аёллар, турмуш ўртоқлари томонидан мутассил равишда қийин аҳволга солиб келинаётган, оғир даражадаги тан жароҳати олган аёллар ҳақида маълумотлар эълон қилинмоқда.

2023 йил 28 июль куни Фарғона шаҳрида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йигилишида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан оилавий зўравонлик ҳолатларига эътибор қаратилиб, нутқларида оилавий зўравонликдан 20 мингга яқин аёллар жабр кўрганлигини таъкидлаб ўтдилар. [9]

Шунга кўра, республикада оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатларини барвақт профилактика қилиш, олдини олиш ҳамда ушбу салбий иллатга қарши курашиш мақсадида оилани ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш, меҳнат муносабатларига оид ва оилавий мажбуриятларни биргаликда бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш [11], зўравонликка учраган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича «Колл-марказлар» ташкил қилиш, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, инсон қадри ва манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мустақкам ҳуқуқий асослар билан таъминланар экан, жамиятда оилавий (маиший) иллатга қарши муросасизлик маданияти шаклланади ҳамда ўз навбатида ижтимоий ҳаётимиздаги ушбу салбий воқеликларни имкон қадар олди олиниб, минималлаштирилишига олиб келади.

## References:

1. Tinchlik va bag,rikenglik atamalari izohli lug'ati. G"Mas"ul muharrir Q.A. Jo'rayeva. – T.: JIDU, 2005. – B.8
2. „Violence against women“ (en). *www.who.int*. Qaraldi: 25-iyul 2022-yil.
3. Esquivel-Santoveña, Esteban Eugenio; Lambert, Teri L.; Hamel, John (January 2013). „Partner abuse worldwide“. *Partner Abuse* 4 (1): 6–75. doi:10.1891/1946-6560.4.1.6. Archived from [the original](#) on 2016-02-05.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/docs/6445145>
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси <http://www.lex.uz/docs/104720>



6. Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» 2019-йил 2 сентабрдаги Қонуни; 02.09.2019. (<https://lex.uz/docs/-4494709>)
7. Нодира Эгамбердиева, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти директори. [https://uza.uz/ru/posts/oilaviy-zoravonlik-hech-bir-soz-bilan-oqlab-bolmaydigan-holat\\_481895?q=%2Fposts%2Foilaviy-zoravonlik-hech-bir-soz-bilan-oqlab-bolmaydigan-holat\\_481895](https://uza.uz/ru/posts/oilaviy-zoravonlik-hech-bir-soz-bilan-oqlab-bolmaydigan-holat_481895?q=%2Fposts%2Foilaviy-zoravonlik-hech-bir-soz-bilan-oqlab-bolmaydigan-holat_481895)
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси <http://www.lex.uz/docs/111453>
9. Фарғона шаҳрида Президент Ш.Мирзиёев раислигида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йигилиши. <https://kun.uz/news/2023/07/28/prezident-oilaviy-zoravonlik-holatlariga-etibor-qaratdi>
10. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
11. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.